

ТОЖИР ЖУЛДУЗИ

№ 33
(65825)
7 декабрь,
1994 йил
ЧОРШАНБА
Сотуда эркин
нархда.

Ўзбекистон болалари ва ўсминаларининг газетаси

Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигига

АДАБИЙ КЕЧА

Яқинда мактабимизда она тили ва адабиёти ўқитувчиси Шермуҳаммад Қорабеков ҳамда тарих фани ўқитувчиси Сойибжон Раҳмоновлар бошчилигидаги ўзбек адабиётининг ривожланишига катта ҳисса қўшган адаби Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигига бағишлиланган адабий кечада бўлиб ўтди. Кечада 11-“А”, 11-“Б” синф ўқувчилари иштирок этиб, ёзувчининг ҳаёти ва ижоди ҳақида қизғин баҳслашдилар. Айниқса, Қодирийнинг “Ўтган кунлар”,

“Меҳробдан чаён” асарларидағи Қўқон хони Ҳудоёрхон, Отабек, Кумуш, Анвар, Раъно, Зайнаб образларини зўр маҳорат билан ижро этган Жашидбек Набижонов, Ниуфархон Раҳимова, Назокатхон Усмонова, Мирзоҳидбек Муҳаммаджонов ва Дилдорахон Нишоновлар барчанинг олқишига сазовор бўлдилар.

Ҳафизахон МАҲМУДОВА,
фарғона вилояти,
Яйпан шаҳридаги. 24-мактаб.



ТАБИАТГА БАҒИШЛАНГАН ДАРС

Ўқувчилар фикрини бир ерга жамлаб билим бериш, фанларга қизиқтира билиш ўқитувчиларнинг сабот ва маҳоратларига боғлиқдир.

Шайхонтоҳур туманинг 65-мактабнинг география фани ўқитувчиси Альфия опа Фатхуллинада эса сабот ҳам, маҳорат ҳам етарли. Ўқувчиларни ўз фанига қизиқтирибина қолмай, экология тўгаракларига ҳам жалб қилган. Унинг ташаббуси билан ташкил этилган тарих ва этнография музейи мана бир неча йилдирки

(Давоми 2-бетда)

Мактаб саҳнасида “ШОЛГОМ” ИНГЛИЗ ТИЛИДА

Тиббиет йўналишидаги Иброҳим Охунов номли лицей интернатимиз 1992 йилда ташкил этилган. Шу киска фурсат ичидаги ўқувчиларимиз билимларни пухта эгаллашга интилоқдалар. Айниқса, инглиз тилини ўрганишга иштиёклари баланд. Ҳозирда инглиз тилида бемалол сұхbatлаша оладилар.

Яқинда лицейимизнинг 6-“Б” синф ўқувчилари “Шолғом”, “Ўрмондаги уйча” эртакларини инглиз тилида саҳналаштириб, зўр томоша кўрсатишди. Бирин кампир, бирин чол, набира, кучукча-ю мушукча тимсолида саҳнага чиқкан Нигора Турсунова, Дилафрӯз Ҳўжаева, Улугбек Олимов, Маргуба Хасанова, Алишер Оқбоев, Дилемурод Усмонов ва Умидга Раҳимова эртакни

Муҳаббат ЗОКИРЖНОВА,
Наманган вилояти, Учкўргон шаҳри.

Ўзбек ССР Ҷавлат китоб пажатаси



Кичкина одам билан катта суҳбат

8 СҮМНИ 20 СҮМГА АЛМАШГАН БОЛА

Буғунги суҳбатдошимиз Тошкентдаги 59-мактабнинг 3-синф ўқувчиси ўртоқларим билан ўйнашга ҳам вақтим бўлмайди. Беҳзод Мўминов. А-лаббай, бир нима дедингизми? Ҳа-ҳа, адашмадингиз. Беҳзодбек барчамизнинг севимли Мўминовнинг кенжатои.

Лекин, отасидек таниқли актёр бўлиш нияти йўқ. Истараси иссик, жуда ёқимтой кўраман. Бир бор кўрсангиз, сұхбатини олсангиз, ўзингиз ҳам бунга амин дилим. бўласиз.

— 59-мактабнинг 3-син- фида ўқишининг биламиз, яна нималар қўшимча қиласан?

— Янами? Синфбошиман. — Бўш вақтингни қандай ўтказасан?

— Бўш вақтимнинг ўзи йўқ ҳисоби. Мактабдан келиб мусиқа мактабига бораман. Фортепъяно, скрипка

чаламан. Кейин, ўзим “ишлайдиган” “Ҳамза” театрига шошаман. Яна киностудияга ҳам боришим керак бўлади. Кечки овқатдан кейин дарс тайёрлайман.

Хуллас, ҳар куни шу аҳвол.

— Кечки овқатдан кейин дарс тайёрлайман.

— Дадам билан бирга юр-

лаяптилар “дейишади. Мирза ака, Обид акаларни ҳам ҳамма жуда яхши танийди. Бу яхши албатта. Лекин менга таниқли бўлиш ёқмайди.

— Улгайтак раҳбар бўлишни истайсанми?

— Йўқ. — Ўзингни қандай бола деб ҳисоблайсан?

— Ўзимнинг қандайлигимни билмайману лекин катталар мени нимагадир “иқтидорли бола” дейишади.

— Ҳозирданоқ театрда “иплаётган” экансан. Отангдек санъаткор бўлишни орзу қиласан?

— Ойим зўр хонанда бўлишини орзу қиласадилар. Дадам эса “театрда Мўминовлар кўпайиб кетишадиган” дейдилар. Ўзимга қолса оппоқ ҳалат кийиб юрадиган шифокор бўлгим келади...

Гаплари ўта самимий, нијатлари холис Беҳзодбекнинг дилидаги жамийки орзулари хамроҳи бўлишига биз ҳам тилакдошмиз.

Феруза ЖАЛИЛОВА
сұхбатлашди.



Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллигига


ҲАМКОРЛИКДА ГАП КҮП

Яқинда Юнусобод туманинг Мирзо Улугбек маҳалласи илгорлари, жамоа раиси бошчилигига мунажжим Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллиги мавзуидатарбиявий тадбир ўтказдилар. Маҳалла даги француз тилини чуқур ўргатишга ихтиослашган 51-мактабда ўзбек ва рус забонли ўғил-қизлар таълим оладилар. Кеча ўтказилиши олдидан

мактабнинг катта зали байрамона бөзатилди. Миллий мусиқалар, қўшиқлар янгради.

Миллат тарихини билиш, миллий қадриятларни англаш, ҳамда уларни тиклаш йўлида ўтказилган бу тадбирда Республика мунажжимлар олийгоҳидан ўқитувчилар ҳамда халқ ёзувчиси Одил Ёқубов, Улугбек тарихи ва меросини ўрганувчи олимлар, туман

Ирода ОТАЖОНОВА,
Тошкент шаҳри.



Табиатга бағишлиланган дарс

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Куни-кеча А. Авлоний номли ўқитувчилар малакасини ошириш олийгоҳи тингловчилари иштироқида мактабда очиқ дарс ўтказилди. Ўқувчилар меҳмонларни илиқ қарши олдилар. Музиқий композициялар, табиат ҳақида шеърлар ижро этишди. 6-синф ўқувчилари Санжар Исҳоқов ва Қабул Муртозоевлар ижросидаги ўқишини ўйғилганлар мароқ билан тинглади-лар. Очиқ дарс шу даражада қизиқарли ва жонли тарзда ўтдики, кеча сўнгтида Альфия опа-

нинг ўзлари ҳам ўқувчиларига жўровоз бўлиб она табиатни авайлаб-асрашга даъват этувчи қўшиқ ижро этишди. Турли вилоятлардан келган ўқитувчилар ҳам кечадан мамнун бўлиб, ижобий фикрлар билдиришди.

Бу мактаб қошидаги тарих ва экология хонасида туман ва шаҳар ўқитувчиларининг семинарлари, география фанидан олимпиадаларнинг тез-тез ўтказиб турилиши ҳам бежиз эмас.

**Суратларда: ўтказилган тадбирдан лавҳалар.
Р. АЛЬБЕКОВ суратга туширган.**



ТОШКЕНТ ЖУДА ЁҚИБДИ

Аҳмад Магди ва Нуҳа марқанд, Бухоро шаҳарларида бўлиши. Улар Миср Араб Республикасининг пойтахти Қохира шаҳрида яшашади. Аҳмад тиллар чуқур ўргатиладиган ўрта мактабнинг иккинчи босқичида, Нуҳа эса тиллар ўқитишига ихтиослашган бошлангич мактабнинг бешинчи босқичида таҳсил олишади. Иккиси ҳам аълочи ўқувчилар.

Ўтган ўқув иили охирда Аҳмад ва Нуҳа отаси хизмат қиласидан Ўзбекистон диёрига меҳмон бўлиб келишди. Кўхна ва навқирон Са-

надлар эмас, биринчи галда ота-оналар айборд.

Бундай ножӯя ишларни ҳаммамизнинг баҳтсизлигимиз деб биламан. Қачон ҳаммамиз бундай ишларга бирдан ҳужум бошлаймиз, барҳам берамиз? Ахир бугун биз мустақил юртмиз, мустақилликни қўлга киритган миллатмиз. Эрта — индин ўша ножӯя ишларни қиласидан болаларнинг ўзлари ҳам ота бўлади. Бугун ўз тақдирни ҳақида бош қотирмаса эртага қандай қилиб авлоди қисмати ҳақида бош қотиради?! Келинг, азиз қондошлар, биргалишиб ножӯя хатти-ҳаракатларга чек қўйайлик! Қилган ножӯя ишларимиздан ўзимиз уялиб қолмайлик! Ўзгалар эса устимиздан кулмасин!

Ўзларини шафқатсиз оқиб келаётган сел бағрига ташлаётган фарзандларимизни ҳалокат ёқасидан асраб қолайлик! Бу биз — ота-оналарнинг муқаддас бурчимиз. Мендан ранжимассизлар, мени тўғри англарсиз деган умидда мазкур дилсўзларимни сиз азизларга изҳор қилишга журъат этдим.

Катталар, эътибор беринг!

Аждодларимизнинг маънавий ҳаётига, яъни тарихга жиддий назар ташласак, улуғ бир ор-номусга, ғурурга, улуғ маданиятга, тўғрироғи гўзал маънавиятга дуч келамиз ва бу манзара биз авлодлар қалбида беихтиёр гўзаплик тўйғусини қўзғатади. Қайсики миллатда ор-номус, ғурур тўйғуси олий даражада ривожланмаса, бундай миллатнинг эътиқод ҳисси ҳам суст бўлади.

Ор-номусли,

ғурурли, эътиқодли миллат эса биринчи галда Ватанига, ўз қондошига юксак фар-зандлик бурчи, масъулияти билан қарайди. Одам қиёфасидаги, яъни ақл-ҳуши, ҳис-тўйғуси тўлақонли бўлган ҳар бир инсон боласи ўз юрти, миллати ҳақида ўйламаслиги, унга жон куйдирмаслиги асло мумкинмас. Ўз Ватани, халқи ҳақида ўйламаса, унга жон куйдирмаса, демак бундай инсон "фарзанд" деган тушунчадан йироқ бўлади.

Улуғ бобокалонларимиз Фарғоний, Фаробий, Яссавий, Беруний, Сино, Улугбек, Навоий, Бобурлар ҳеч қанчон ўз манфаатлари, яъни шаъншавкати учунгина дунёвий имларни эгаллаб, ижод қилмаганлар. Улар аввало юртлари, улусларнинг кела-

жаги, фан тараққиёти, миллатнинг маънавий ҳаёти учун тинмай тер тўкканлар. Ба, бу ижод фаолияти умуммиллат мулкига айланди, бугунги кунда биз боборимиз билан қанчалик фахрлансак, уларнинг ижодий маҳсулотлари билан ҳам шунчалик фахрла-

Қайсиdir баҳтли ота-она ўн йиллаб турадуд кўрган, яъни йиғинган ва ниҳоят катта орзу умидлар билан қизини турмушга чиқараётганди. Йинсон умрида бир мартағина юз бераидиган улуғ баҳт. Қўни-қўшини, қариндошлар, ёр-бинорадарлар қувончи чексиз. Тўй

ўт кета бошлади. Уларни қайтарадиган киши топилмасди. Қайтаргани билан ҳам болалар одамларга қулоқ со-лмасди. Буни ўша мушакбозлик қиласидан болалар шодлилар, баҳтиёрлик белгиси деб билишарди.

Куёв жўралари билан орт-

БИЗ МАЪНАВИЙ ГЎЗАЛЛИККА ҚАЙТАМИЗМИ?

намиз.

Мен оддий бир косибман. Шу йўлда кўпдан бери астойдил меҳнат қилиб келаётган Ўзбекистон фуқаросиман. Шу улуғ Ватан ҳам, миллат ҳам менинг учун улуғ. Миллатнинг тўй-томошаларига, миллий анъаналарига ҳеч қачон эътироуз билдира олмайман. Саводогарчилик, ишбилармонликка ҳам қарши эмасман. Шу эл бойиса, мен ҳам бойиман.

Бироқ бугунги кунга келиб тўй-томошалардаги, миллий анъаналардаги баъзи бир ножӯя ишларни кўриб ҳаддан зиёд ранжийман. Чунки шу миллатга мансубман.

Яқинда қайғули бир воқеага гувоҳлик қилдим. Уйимизга яқин бир уйда тўй маросими


аҳли тоқатсизлик билан куёв томонни кутишаёттир. Шоду ҳуррамлик билан қиз-бўлгуси келинни янги уйига кузатиб қўйиш учун ёниб-ўртаниади. Хуллас, бу хонадон ғам-андуҳлардан мутлақо йироқда. Йиғингани, емай-ичмай қизига орттирган саруполари, зеб-зийнатлари ҳақида бош қотирмайди. Аксинча қизнинг баҳти учун ҳаммаси шарафга айланган. Бироқ...

Бироқ салдан кейин ҳамманинг кўнглини бирдай қайғуга ботирган воқеа бўлди. Куёв жўралари билан бирга келган болалар кутилмагандан порхдан ясалган мушакларни ёндириб турли томонга ота бошлади. Кимнингдир қўйлаги ёнди, кимнидир уйига мушак тушди, яна кимнидир сочига тушди, яна кимнидир демак фар-

ларига қайтаётгандан эса яна ҳам даҳшатли манзарага дуч келасиз.

Машиналарни тўлдириган болалар бақириб қақириб тўйхонадан олган қанд-қурсларни йўлда учраган одамларга отишарди. Оғзиларига келган ножӯя сўзлар билан йўловчиларни ҳақоратлай кетдилар. Бу одат қаердан чиқди? Мазкур тўйда шу ўсмирларнинг ота-оналари, қариндошлари йўқми? Бор. Ўз фарзандининг хатти-ҳаракатини кузатиб ҳам туриди. Нега индамайди? Нега болаларни ножӯя ишлардан қайтармайди? Чунки ота-оналар шу ишларга кўнинкан, юракларидаги қондошлик, ор-номус, ғурур, эътиқод тўйғулари сусайган. Ножӯя ишларга демак фар-

Ҳасан НУРМУҲАММЕДОВ,
Тошкент шаҳри..




Спорт•Спорт•Спорт

ГОЛИБЛИКНИ ҚҰЛДАН БЕРИШМАДЫ

Тошкент шаҳар, С. Рахимов тұманиндағы 249-мактаб күпчилікка яхши таниш. Бунинг боиси бор албатта. Бу мактабнинг номи туман, шаҳар, ҳатто республика миқесидеги турлы күрік-танловларда, "Светофор" мусобақаларида, "Менинг маҳаллам" мавзуидаги беллашувларда голиблар қаторида тез-тез тилга олинади. Яқында ана шу мактаб ўқувчилари яна бир бор голиблик шохсупасини әгаллашды. 16-БҮСМнинг спорт базасыда ўқувчиларнинг 24-Спартакиадасы дастурида стол тенниси бүйіча финал мусобақалари бўлиб ўтди. Тумандаги 16-БҮСМ, 249-, 243-, 261-, 19-мактабларнинг ёш, умидли спортчилари ўзаро беллашдилар. Спорт мусобақаларига республика тоифасидеги ҳакам С. И. Назаров ҳамда уннинг шогирдлари, 7 йилдан бери спорт мактабида таълим олиб келаётган ўғилқызылар ҳакамлар. Қизиқарлы ўтган беллашувлар якунда голиблар аниқланды. Олий сөвирин – күчма кубок түрткінчи бор яна 249-мактаб ўқувчилари қўлида қолди. Иккінчи, ва учинчи ўринларни 243-ва 16-БҮСМ спортчилари бўлишиб, 2-, 3-даражали диплом билан тақдирланишди.

Ф. ЖАЛИЛОВА.
Тошкент шаҳри.



— Сомий Тоғиевич, Тошкент шаҳрида ўрта-махсус санъат мактаб-интернати борлигини күпчилік билмас экан. Мазкур мактаб ҳақида бирор рўзномаларда эълон берасизми? Сұхбатни шундан бошласак.

— Мактабимизга республика мактаб-интернати болаларнинг ҳамма жойларидан мусиқага, рассомчиликка ҳавасманд, яны шу соҳанинг иқтидорли болаларни биронбир зътиrozisiz қабул қиласкерамиз. Тўғрисини айтиш керак, бозор иқтисодиёти қийинчиликлари билан вилоятлардан келадиган болаларнинг сони бир оз камайди. Ҳозир кўпроқ Тошкент вилояти, Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳридан болалар келмоқда. Болалар биринчи синфларга қабул қилинади. Икки босқичда имтиҳон топширадилар. Имтиҳонни таникли ва тажрибали мусиқачилар, рассомлар олишади. Келувчилар кўп, лекин биз фақат иқтидорли болаларнинг мактаб-интернати

мактаб-интернати қаочон ташкил этилган!

— Бу мактаб илгари иқтидорли етим болаларнинг интернати эди. Ана шу интернат заминида ҳозир кўриб турганингиздай иқтидорли болаларнинг мактаб-интернати

мәъзур тутарсиз... Болалигимда мусиқага ҳавасманд бўлдим, уни севдим ва шу йўлдан бориб олийгоҳни тутадим. Мақсад бирор мусиқа кошонасида ишлаш ё бирор ерда дарс бериш эди. Ақл тўлди. Кейинчалик жаҳонга Амир Темурдай, Алишер Навоийдай, Улуғбекдай, Беруний, Ал-Хоразмий, Фаробий, Фарғоний, Жалолиддин Мангубердидай, Бобурдай, Қодирйидай даҳоларни берган миллатга мансуб эканлигим, шу миллатнинг фарзанди эканлигимни англаб етганим ва ҳис қила бошлаганимдан кейин, "Шашмақом"дай тенгисиз, яны ақл бовар қилолмайдиган Илоҳий мусиқани яратган улуғ санъаткорларнинг давомчиси эканлигимни тушунганимдан кейин менга биринчи галда миллатнинг ғамхўри, жонкуяри, ор-номуси, ғурурини ардоқлаш, унинг фидойисига айланышдай тушунча-тўйғулар камол топа бошлаганини сеза бордим. Ўйлайманки, инсон боласи учун бундан ҳам кўп улуғ шаън-шараф йўқ. Ўйлаб кўринг. Умумжаҳон, умуминсоний санъат, яны мусиқа ҳам, рассомлик санъати ҳам аввало миллий мусиқа, миллий анъаналардан бошланади. Ер юзида барча миллатлар, эзлатларнинг ўзига хос

Даҳолар изидан

миннатдорлигимишни билдирамиз. Бу бизнинг мутлақо самимий туйғуларимиз... У киши туфайлигина эришилган мустақиллик бизларга Улуғ Эркинликни ином этди. Фарзандларимизнинг иқтидорини рўёбга чиқриш имкони туғилди. Шу билан бирга биз учун мутасадди ташкилот бўлмиш Республика маданият вазирлиги раҳбарларига ҳам ташаккуримизни айтамиз. Болаларимиз учун дам оладиган, таътил кунлари тажрибаларини оширадиган манзимиз ҳам бор. Бу манзил Тошкент вилоятининг энг гўзл тогли ерларига жойлашган. Мактабимиз қошида музейимиз ҳам мавжуд. Музейда мактаб-интернатни битирган ўқувчиларнинг энг сара асарлари сақланади. Бундан ташқари ўқувчиларимизнинг сара асарлари илк бор, яны республикада биринчи бўлиб Ўзбекистон рассомлар уюшмаси запида кўргазмага кўйилди. Бу кўргазманни таникли рассомлар ҳам келиб кўришиди ва яхши баҳолашди. Бу ўқувчиларни республикамизнинг ҳамма жойлашрига саёҳатга олиб чиқамиз, маданий ёдгорликлар ёнида бўлиб, расм чишишларига ҳам кенг имкониятлар яратиб берамиз.

— Энди муаллимлар, яхши

"Санъатлар аввали миллатдир", дейди Республика ўрта-махсус санъат мактаб- интернати директори Сомий Содиқов

ташкил топди.

— Бир йилда қанча бола қабул қилинади? Умуман қанча бола ўқиди?

— Бир ўкув йилида 30 та ўзбек гурухи ва 30 та рус гурухи қабул қилинади. Ҳозир ҳаммаси бўлиб мактаб интернатда 589 та болалар ўқишмоқдир. Бундан ташқари синфларни иқтидорли болаларни танлаб тўлдириб борамиз. Булар ҳам юқорида тилга олингандай икки босқичда танлов усули билан қабул қилинади.

— Мутаҳасислигингизни билмайман. Назаримда мазкур мактаб-интернатга мутахассиси тўғри келган одамгина раҳбарлик қилис керак.

— Албатта. Тасаввур қилинг. Мусиқадан ё рассомчиликдан ҳабарсиз одамни бу ерга раҳбар қилиб тайинласалар, умуман санъатнинг ҳоли не кечиши мумкин! Мен Республикада консерватория олийгоҳнинг скрипка бўлимими тутагтаним. Лекин скрипка билан гижжакни аралаштириб юбормаслики керак... Мусиқа мутахасислигига қабул қилинаётган болаларнинг имтиҳон топшираётганига ўзингиз гувоҳлик қилдингиз. Болаларнинг бармоқлари ва елкалари ҳам синчиклаб кўздан кечирилди. Скрипка чалиш учун болаларнинг бармоқлари нозиклиги, нафосати алоҳидаги зътиборга олинади. Шу тариқа скрипкачиларни жаҳон классик мусиқачиларнинг улуғ мусиқа асарларини чалишга мослаштирилади. Гижжакда эса миллий мусиқа, яны ҳалқ мусиқалари чалиниши мумкин, яны гижжак елкага кўйиб амас, тиззага кўйиб чалинади. Демак, бармоқ, елка ҳисобга олинмайди. Рассомчилик учун эса бундай фарқланиш йўқ. Чизган расмлари, яны иқтидорларига қараб баҳоланади.

— Демак сиз мусиқачисиз. Мусиқадан болаларга дарс ҳам берсангиз керак. Муаллимлик билан раҳбарлик жараёни ҳақида яны, орадан кечтган йиллар тасаввур ҳақида ҳам гапирсангиз...

— Баъзи ҳолларда ҳисбайтуйғуларимни жиловлай олмасам

санъати билан умумжаҳон, умуминсоний санъатни яратади. Худди шундай ер юзасида "Инсоният тарихи" деган тушунча мавжуд.

Бу тарихда кишилик жамиятига ҳос барча инсон болаларнинг тарихи жамланган. Шу ўринда мен бир миллатнинг санъати учун камситилишига мутлақо қаршиман. Дунё санъатига Беҳзоддай даҳо рассомни берган миллат, бундан кейин ҳам шундай санъаткорларни бериши тайин. Демак, муаллим сифати болаларимизнинг иқтидорларини юзага чиқиши учун ҳаракат қилган бўлсам, бошлиқ сифатида отага айландим, оталик бурчи биринчи даражага кўтарили. Бу мен учун энг улуғ муқаддас тўйғу... Ётсам ҳам турсам ҳам мана шу тўйғу – болаларимиз орасидан Микеланжело, Лионардо Да Винчи, Беҳзод каби даҳо рассомлар етишиб чиқса, санъатимизни жаҳонга танитса, яны юзлаб даҳоларни берган Ўйғониш даври бошланса, мустақилларимизга шаън-шараф келтирса, мусиқада ҳам "шашмақом"ни яратган устозлардай жаҳон мусиқи санъатининг намоёндапари Бетховен, Шопен, Лист каби улуғ мусиқачилар кўйини деган фикр тинчлик бермайди. Инсонга иқтидор бир бор шараф келтирса, иқтидорларни топиб рўёбга чиқариш эса иккинчи бор шараф келтиради.

— Табиийки, бозор иқтисодига ўтиш билан мактаб-интернатда ҳам баъзи бир қийинчиликлар туғилган бўлиши керак...

— Агар мойбӯёқлар, мўйқаламлар, қозоғлар тақчиллиги ҳисобга олинмаса, болаларимиз ҳозирча қийинчиликларга дуч келганича йўқ. Тасаввур қилинг. Мактаб-интернатимиз учун ҳуқуматимиз озиқ-овқатларни илгаригидай етказиб берасетир. Ҳатто қишини, яны мевалар беҳад қимматлашган пайтда ҳам бигза мева, сарёғ, гўштлар вақтида келиб турибди. Шу ўринда болаларимиз ва мактаб жамоаси, жумладан ўзим номимдан ҳам хурматли Президентимиз Ислом Абдуганиевич Каримовга алоҳида

ўқийдиган ўқувчилар ҳақида ҳам гапирсангиз.

— Муаллимлардан маҳмуд Тўхтаев, Баҳодир Зиямуҳаммадов, Сайёра Обидоваларни тилга олгим келади. Икки иқтидорли ўқувчимиз Шуҳрат Султонов, Алишер Отабоевлар Америкага бориб тажриба алмаштириб қайтишиди. Улар қаторида буҳоралик Хуршид Равшонов ва мусиқачиларимиздан Наргиза Шамахонова, Моҳинур Мирраҳимовларни фахр билан тилга оламан.

— Болаларга тилакларингиз...

— Мустақилликка эришган бу гунги кунимизда иқтидорли болалар кўпроқ туғилсин. Ҳали айтганимдай санъат ва адабиётда Ўйғониш даври тезроқ бошлансан! Мактаб интернатимизга келувчи иқтидорли болаларнинг миқдори ошсин. Эшигимиз барча болалар учун доим очик, марҳамат қилсинлар. Уларга қалбимиз ҳам очик. Кейинги пайтларда Республикамизнинг ҳамма бурчакларидан иқтидорли болалар кўплаб олиб келишини, бу борада мутасадди раҳбарларга илтимос билан чиқиб синфларни кўлпайтиришни, жаҳонга донги кетган рассомлар Баҳодир Жалолов, Жавлон Умарбеков, Раҳим Аҳмедов, Рўзи Чориев каби устозларни ҳам мактаб-интернатга тақлиф этиш, санъатларидан болаларни баҳраманд қишини умидида яшайпмиз.

Шунингдек Ўзбекистонда танилган мусиқачиларни ҳам мактабга жалб қилиш ниятидамиз. Рўзи Чориев қачонлардир шу мактаб интернатни битирган экан. Ўйлайманки, у ўзи битирган мактабга келиб ёш иқтидорларга дарс беришини жондеб қабул қилиди. Вақтдан фойдаланиб мактаб-интернатга кишини хоҳлаганга манзилимизни ҳам айтиш, айни мудда бўлар. Демак манзилимиз, Тошкент шаҳри, Ақмал Икромов тумани, 22 айнада.

— Қизиқарли сұхбатингиз учун раҳмат. — Сизага раҳмат.

У. ҲАҚИМАЛИЕВ,



Шоирлар — болаларга

Кишилкнинг хуришлар саркори
ул Бўйнок,
Ўйинқорок,
Кучуклар тарихни туш кўрар.
Ўзининг хотирин хуш кўрар.
Ўспирин болалик хотирин,
Ноурин
Кучукнинг ялоига тўлдириб кетганда
Кўпак ҳам сўкинар.
Бобосин бобоси — итларнинг Калони
Хайбарнинг
Одам Ато киндигидан яралганига ўкинар.

3

Даштдаги жўраси даштларнинг күшлари,
Булбуллар боланинг соғинган тушлари.
Эзилиб ёгар қор, ўша баҳор,
Кишилкнинг девонаси оч нахор
Машрабни озиқ деб билади,
Боланинг армонин тинглади.
Девонанинг ҳовучи гарк тилак,
Орзудан уйғонган тонг йўргак,
Бармоклари орасидан тўклиди —
Ният ва исенкор келажак.
Шу кундан саҳарга куй тўлар,
Оқшомдан тонгтacha куй ўлар.
Одамлар ҳайратдан "тирилиб"
Ёқалар йиртилиб,
Дўлпос кампирнинг девори
ҳаяжондан йикилиб,
Уйғонар болани куйлассан келинчак,
Келинчак учирган беланчак,
Балки уч куйларда ҳалгинчак,
Бу дунё иккита беланчак...

4

Қайтмасдир болалик варраги,
Уфқлар фарзандсиз отадир.
Огуллар, ховилилар номига чайилган,
Ўспирин күёшини юракка ортади.
Момо Ҳаво буқри ўриқдан йикиласетир,
Фарзандлар кўксига тикиласетир,
Унинг қабиргасига хат йўллайди, ХАТ,
Тўнич тонг мусибат:
"Мен сени севаман".
Ўн учта болага йўллайди ундан кейин ҳам.
Күшмакнинг бозори чангиттан йўлларни
Ҳавойи газалга кўмилган кунлари,
Мактублар осилиб кун кўрар
Ўн тўртта рикнинг,
Хўрликсиз гўрликнинг довучаларига.
Хотира, бевазан
Бекафан.
Оминалар ёғилар баҳорнинг ҳовучларидан:
— Мен сени севаман!
— Мен сени севаман!

Вафо ФАЙЗУЛЛО.

ЎСПИРИНЛИК РИВОЯТИ

Баҳор хотирининг торига
Зардоли дараҳти билан киради.
Болалик қаноти бўлмаган осмон,
Варраклар кўкламга тўлади.
Боланинг тушига бир куни
Заминнинг юраги киради.
Илон изи сўқмоклар минг орзу.
Осмонни кўтарар янтоқлар.
Бўғзига тикилган қиши-ёзни
Ашула қиласи сўқмоклар.
Боланинг тушилари ўн учни тўлдириб.
Ўн тўртнинг дафтари тигади.
Олтига етмаган куучути
Жуфтига мактублар битади.
Болакай ўстанча ўрилар достонлар,
Йикилар ҳар йили бинтадан Алномиши.
Кисматдан олинган фармойиш —
Бобоси охирги мatalни қабрига элтади.
Ўн тўрт ёш фарёллар бўзлайди оҳантда
Қойил кол кенгликлар даҳонига.
Гўрўли тирилар, тирилар тулпори,
Боланинг тушига вақт берад дуторни.
Алномиши кўкарап, Кўкаман бўкирап,
Боланинг бобосин
қабрини кучганда мусика.
Алномиши дўстликка,
Кунтуғмиш дўстликка
Боланинг бобосин
қабрини кучоклаб кўтарар,
Кўтарар дунёни мусика.

2

Шамоллар увлашни ўргатар итларга,
Одамлар баҳорни кўчирап читларга.

ТЕНДОШЛАРИНГ
ИЖОДИДАН

Бу воқеа қиши кунларининг бирида юз берган экан. Кичкинагина уйчада Она куён ва унинг қизаси — Қуёной яшар экан. Бир куни Она куён деразани очиб юборибди. Қуёной келиб деразадан ташқарига қараса, ҳаммаёқ оппоқ қор билан қопланган эмиш. Қуёной онасидан: "Кўчага чиқсан майлими?" деб сўрабди. Онаси унга: "Кўчага чиқмагин у, аммо деразадан қарасанг майли, — деб

бди. — Мен ҳозир кўчага чиқиб сенга бир нарса олиб келаман, сен уйда ўйнаб ўтири, бозордан келганимдан кейин бирга чиқамиз", дебди.

бала қордан Қорбола ясамибди. Юзига одамнига ўхшаш кўз ясад, бўйнига узун шарф ташлаб кўшишибди. Кейин Она куён билан Куёной ўйга кириб кетишибди.

хонасига кириб кетибди. Бир пайт олов бирданига алантга олиб осмонга кўтарилибди. Бундан Она куён ҳам, Куёной ҳам бехабар қолишибди. Йидағи бор нарса аста-секин ёна бошлабди.

Онаси уни юпатиб: "Барibir фойдаси йўқ, қўй энди, ҳадеб хафа бўлаверма, янаги йил қиши келганди яна Қорбола ясаймиз", дебди. Ўт ўчирувчилар ҳам Куёнойни овутишибди.

"Ойижон, энди у сирам қайтиб келмайдими?" деб сўрабди Қуёной. Шунда онаси унга: "Қайтиб келади, факат энди у булат бўлиб қайтади", деб тушунтирибди.

Бу орада қиши ҳам тугай деб колибди. Қуёной ҳам ўзининг гамларини аста унута бошлабди.

Инглиз тилидан
Тошкент шаҳар, Миробод туманидаги 110-мактаб ўкувчиси
Шамсiddин СУЛТОНОВ
таржимаси

Қорбола

Хитой ҳалқ әртаги

Қуёной ўйда ёлгиз қолибди. Онаси кўчага чиқиб кетибди. Орадан кўп ўтмай онаси бозордан қайтиб келибди. Қуёной бўлса севинчини ичига сидиролмай, дикир-дикир сакрай бошлабди.

Шундан сўнг улар иссиқ кийиб, кўчага чиқишибди. Она —

ди. Қорбола эса кўчада қолибди. Улар ўйга кириб бироз исинишгач, яна кўчага чиқишибди. Қорболани янада чиройлироқ қилиб ясантиришибди. Сўнгра сов қотиб, ухлагани ўйга кириб кетишибди.

Қуёной ёниб турган печкага тагин ўтиш қалабди ва ётиш учун

хонасига кириб кетибди. Бир пайт олов бирданига алантга олиб осмонга кўтарилибди. Бундан Она куён ҳам, Куёной ҳам бехабар қолишибди. Йидағи бор нарса аста-секин ёна бошлабди.

Бир оздан сўнг ўт ўчирувчилар этиб келибди ва ўтни ўчиришибди. Қуёной бир маҳал ўзига келиб қараса, олдида Қорбола эмас, бир чеълак сув турганмис.

Қуёной роса кўзёши қилибди.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Музаффар ПИРМАТОВ

Таҳрир хайъати:

Сафар БАРНОЕВ, Феруза ЖАЛИЛОВА,
Сойибжон ИСМОИЛОВ, Дилядора
ТУРАХМЕТОВА, Сабоҳат ШУКУРОВА.

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТИФОҚИ МАРКАЗИЙ
ҚўМИТИСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Газета 1929 йил, 1 августан "Ленин учунни"
номи билан чиқса бошлаган

Газета ҳифтанинг сешанба куни чиқади

Маълумот учун телефон: 33-44-25

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
МАТБУОТЧИЛАР КЎЧASI, 32-УЙ.
Нашр кўрсаткичи: 64563

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-УЙ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г—1002. 14834 нусхада босилди. Ҳажми — 1 босма табор. Офсет у упиди босилган. Қозоз бичими А—3.

Босишига толшириш вақти 2.00. Босишига опширилди 19.70

1 2 3 4 5 6

